

CAPPARIS SPINOSA АСАЛ ШИРА ВА САБЗАВОТ, ДОРИВОР ЎСИМЛИГИ СИФАТИДА

Г.Б. Ваисова

Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7384789>

Ер юзида 500 мингдан ортиқ ўсимликлар мавжуд бўлиб, юксак ўсимликларнинг 20 мингдан зиёд тури маданийлаштирилган. Улардан 2800 та тури озиқ-овқат учун, қолганлари халқ хўжалигининг турли сохаларида қўлланилади. Маданийлаштирилган ўша ўсимликларнинг 70% и Марказий Осиё флораси ўсимликлари ҳисобланади[5].

Ўзбекистон Республикасида 112 тур доривор ўсимликлар расмий табобатда фойдаланишга руҳсат берилган бўлиб, ушбу доривор ўсимликларнинг 80 % ни табиий ҳолда ўсувчи ўсимликлар ташкил этади. Табиий ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларнинг ҳам хом-ашё заҳираси чегараланган бўлиб, уларни муҳофаза қилиш, биоэкологик хусусиятларини ўрганиш, хом-ашё заҳирасидан тўғри фойдаланиш ва кўпайтиришнинг илмий асосланган усуллари ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан биридир.

Ўзбекистоннинг қурғоқчилик шароитида, адир ва тоғ-олди ҳудудларида истиқболли ва табиий шароитда ўсувчи ўсимликлардан бири тиканли ковул (*Capparis spinosa* L.) дир[3,4].

Тиканли ковул *Capparis spinosa* L. Ковулдошлар -Capparaceae оиласига мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик. Ковул ўтчил ўсимлик бўлиб, у жуда кўп ётиб ўсувчи новдаларга эга. Улар яшил рангда бўлиб, тукчасиз, баъзан эса озроқ тукчали бўлади. Пояси судралиб ўсувчи, тиконли, шохланган, узунлиги 2,5 м гача бўлади. Барглари тескари тухумсимон ёки эллипсимон. Барг банди ва гулбанди ҳосил бўлган жойда ўткир тиканлари бор. Гуллари оқ. Барг қўлтиғига жойлашган. Меваси тескари тухумсимон ёки чўзинчоқ-юмалоқ шакли, кўп уруғли, бир неча мева баргидан ташкил топган, сершира бўлиб, тарвузга ўхшаб кетади. Май-июн ойларида гуллайди, июл-августда меваси етилади[4].

Ҳар бир асал шира берувчи ўсимликнинг сифати унинг кўп миқдорда гулшира бериши билан аниқланади. Гулшира гулда жойлашади, арилар учун қулай жойда, ковул бунга тўлиқ жавоб беради. Шу боисдан А.А. Гроссгейм [7] биринчи навбатда бу ўсимликни асал ширали ўсимликлар қаторига киритган. Ҳақиқатдан ҳам ковул республикамизда асал ширали ўсимликлар қаторида биринчи ўринда туради. Бир ўсимлик вегетацияси давомида ўртача 1500 та гул ҳосил қилади. Максимуми эса 400 дан ортиқ.

Бизнинг республикамиз шароитида асаларичиликнинг асосий талаби бу асалшира берувчи ўсимликнинг вегетация давомида узоқ гуллашидир. Ковул эса худди шундай узоқ муддат гулловчи ўсимликлар қаторига киради. Май ойидан бошлаб гуллайди ва октябргача давом этади. Демак, ковул гулшира ажратиши билан энг маҳсулдор ўсимлик ҳисобланади. Бир гектар майдондан ковулда 990 кг асалшира, акациядан 800 кг, оққурайдан 350 кг, кўкўтда 300 кг олиш мумкин.

Табиатдаги жуда кўп ўсимликлар Ўрта Осиё ва Қозоғистонда овқат маҳсулоти сифатида ишлатилади. Бундай ўсимликлар қаторига ковулни киритиш мумкин. Ковулнинг ғунчаси ва ёш мевасидан консерва тайёрлаш мумкин. Ғунчаларини мариновка қилиш мумкин. Ғунчасидан ташқари, майда новдалари ва меваси Закавказье аҳолисининг севимли таоми ҳисобланади (9-расм).

Ковул ғунчаси мариновка қилинган ҳолда дунёнинг кўп мамлакатларида истеъмол қилинади. Ковулнинг бир тупи 50-100 г ғунча ҳосил қилади. Жанубий Францияда экиб ўстирилганда битта тупдан 500-3000 г ғунча, ўртача 1000 г олишган. Бизнинг табиий шароитимизда битта катта тупдан 225 г ғунча териб олиш мумкин. Бир гектардан эса 22,5 ц яшил ғунчасини териб олиш мумкин. Бизда ковул экспорт ҳам қилинади. Кавказда ҳар йили ковул 1000 тоннадан тайёрланади.

Н.В. Павлов маълумоти бўйича Кавказда йилига 1000 тоннадан меваси тайёрланган. Ковулнинг ғунчаларини консервалаш қийин эмас. Тайёр бўлган консервани 27-30 кундан кейин истеъмол қилиш мумкин (11-расм).

Шундай қилиб, ковул ғунчаси, ёш мевалари ва новдалари консерва қилиниб, юқори сифатли озиқ-овқатга ишлатилиб, таркибида 0,32-1% рутин моддаси бор. Ғарбий Европа ва Яқин Шарқ халқининг севимли таоми ҳисобланади. Ёз пайтлари меваси пишиб ёрилганда (кичкина тарвузни эслатади), Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон республикасининг аҳолиси ширинлик сифатида истеъмол қилишади [1,3]. Мевасининг ичидаги гўштида 12% дан ортиқ қанд, уруғида эса 30-36% ёғ бор. Мевасининг 40% гўшт, 60% уруғ ҳисобланади. Бир тонна мевасидан 50 кг гача қанд ва 200 кг овқатга ишлатиладиган ёғ олиш мумкин [3,4].

Қадимдан ковулнинг дориворлик хусусиятидан аҳоли яхшигина фойдаланиб келишган. Ўрта Осиёнинг буюк алломаси, олим Абу Али ибн Сино ўз даврида ковулнинг бутун қисми доривор эканлигини кўрсатган. Жумладан, баргидан ҳар хил касалликларни, бош оғриғини даволаш мумкин. Илдиз пўстидан тайёрланган дамламадан талоқни даволаш

мумкин. Ёш новдаларини сиқиб, шарбатидан шол (паралич) касаллигига ишлатилади. Тузланган ёки мариновка қилинган ғунчалари астма ва ошқозон касалликларини даволашда қўллаш мумкин. Ўрта Осиё халқлари қадимдан ковулнинг бутун қисмини фойдаланиб, турли касалликларни даволаган. Тайёрланган препаратлар яраларнинг тез битиб кетишига ёрдам беради. Ҳозирги кунда ҳам кўп районларда ковулни доривор ўсимлик сифатида ишлатилади. Масалан, Жиззах, Самарқанд вилояти аҳолиси ковул илдизидан мазь тайёрлашади. Бу мазь ҳар хил яраларни, кесилган жойларни яхшилашда суртилади. Ковул илдизини 0,5-1 см майдаланади ва устига сув қуйиб, елимга ўхшаш сариқ масса ҳосил бўлгунча қайнатилади. Тайёр бўлган массани совутилади ва унга сарёғ ёки балиқ мойи аралаштирилади. Препарат ишлатишга тайёр бўлади. Илдизидан бўёқ-ранг ҳам олинади. Баргидан ҳам яраларни даволашда мазь тайёрлаш мумкин. Бунинг учун барглари салқин жойда қуритилади, янчилиб кукун ҳолига келтирилади ва унга сарёғ ёки асал, балиқ ёғи қўшилади[5].

Тошкент вилоятининг баъзи районларидаги (Бўстонлик, Паркент ва б.) аҳоли ковул ғунчасидан тиш оғриғига суртишади. Ғунчасидан сиқиб олинган шарбатига ковул уруғидан олинган мойни қўшишади ва геморрой (бавосил) касаллигини даволашади[3].

Гулидан ва ғунчасидан сапонинлар, С витамини, флавоноидлар, бўёқ моддаси; мевасидан қанд, С витамини, гликозид; уруғидан мой; барги ва илдиз пўстидан стахидрин ажратилиб олинади. Ўсимликнинг турли хил таъсири бор: оғриқ қолдирувчи, яраларни битирувчи, гижжаларни йўқ қилувчи, сариқ касаллигини даволовчи, халқ табобатида илдиз қайнатмаси отларда қичима касаллигини даволайди [5].

Жиззах, Самарқанд вилояти, Туркистон райони Жанубий Қозоғистон вилояти аҳолиси мевасининг ичидаги гўштини истеъмол қилишиб, ич кетишини даволайди. Мевасининг қайнатмаси милкларни мустаҳкамлайди, тиш касаллигини, тиш оғриғини босади. Ковулнинг дориворлик хусусияти унинг таркибидаги С витаминининг мавжудлигидир.

Қ.З. Зокиров, Р. Худайберганов маълумоти бўйича, 1 гектар жойдан (ўртача бир тупда 225 г ғунча) 3,7 кг С витаминини олиш мумкин. Ғунчаси таркибида юқори миқдорда С витаминини кўп бўлар экан. Шу боисдан айнан таркибида С витамини кўп бўлгани учун Ўрта Осиё ва Закавказье ҳамда бошқа давлатлар аҳолиси қадимдан ковулнинг ҳар хил қисмидан доривор ва озиқ-овқатга ишлатиб келишган. Унинг илдизида каппаридин

алкалоиди бор. Таркибида юқори миқдорда аскорбин кислотаси ва алкалоидларнинг кўп бўлиши унинг дориворлик хусусиятини оширади [3].

Ковул уруғининг кимёвий таркибига назар ташласак, гликозид рутин – кверцетин моддасидан дори тайёрланиб, гипертоник касалликларни даволаш мумкин. Ундан ташқари, кверцетиннинг антибиотик хоссаси ҳам бор. Туркменистонда чўпонлар ковул мевасидан “кеволь” дорисини тайёрлашади. Бу эса чорва молларида учрайдиган қичима касалига (чесотка) қарши ишлатилади [4,5].

Қ.Х. Хожиматов ва бошқаларнинг маълумоти бўйича, ўсимликнинг мевасида тиогликозидлар, мирозин ферменти, рутин (0,32% гача), С витамини (136 мг % гача), йод (27 мг % гача); уруғида 35 % гача қишғиш рангли мой, илдизининг пўстида гликозид каппаридин, илдиз пўстида 1,2% алкалоидлар борлиги айtilган [6].

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Благовещенский А.И. Лекарственные растения пастбищ Узбекистана. – Ташкент: Мехнат, 1989. 135 с.
2. Гроссгейм А.А. Растительные богатства Кавказа. – М., 1952.
3. Закиров К.З., Худайберганов Р. Каперс и перспективы его использования. 1972. 119 с.
4. Рахимова Т.Т. Ўсимликлар экологияси ва фитоценология фанларидан методик қўлланма. – Тошкент, 2009. 67 б.
5. Хамидов Ғ. Ўзбекистоннинг асосий асал-ширали ўсимликлари. – Тошкент, 1969. 34 б.
6. Хожиматов К.Х., Апрасиди Г.С., Хожиматов А.К. Дикорастущие целебные растения Средней Азии. – Ташкент, 1995. 111 с.